ЗУЛФИЯ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИНИ ИНТЕРФАОЛ МЕТОДЛАР АСОСИДА ЎРГАНИШ

Эшниязова Айимхан Шерипбаевна
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
Тошкент давлат техника университети "Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси катта ўқитувчиси
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация. Мақолада ўзбек шоираси, вафо ва садоқат тимсоли Зулфия ҳаёти ва ижодини ёш авлодга ўргатишнинг интерфаол методлари берилган. Шоира шеъриятининг мавзу ва мазмун-моҳиятини унинг биографияси ва замондошларининг хотиралари асосида ўрганиш самарали эканлиги ёритилган.

Калит сўзлар: "Идрок харитаси", "Синквейн", "Икки қисмли кундалик", инновацион технологиялар, шеърият, шоира, вафо, садоқат.

Аннотация. В статье приведены интерактивные методы обучения студентов по теме жизнь и творчество узбекской поэтессы Зульфии символа верности. Освещается эффективное изучение содержания и значения поэзии поэтессы на основе ее биографии и воспоминаний современников.

Ключевые слова: Карта интеллекта, синквейн, двухчастный дневник, инновационные технологии, поэзия, поэтесса, верность.

Annotation. The article was highligted to interactive ways of teaching to young generation Zulfiya's life and work which a symbol of loyalty and devotion. The article was emphasized that learning the content of the Zulfiya's poetry being effectively which on her biography and the memoirs of her contemporaries.

Keys words: Mind map, syncwine, two-part diary, innovative technologies, poetry, poetess, fidelity.

Жамият ривожланишининг ҳамма замонларида ҳам илм-фан ва интеллектуал салоҳият муҳим омиллардан бири бўлган. Бугунги глобаллашув замонида эса бу омилнинг муҳимлик даражаси бир неча баравар ортди.

Масаланинг қанчалик муҳимлигини мустақил тараққиёт йўлидан бораётган мамлакатимизнинг узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, янги сифат босқичига кўтариш, унга илғор педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда таълим самарадорлигини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Замонавий таълим ўқитувчидан ўзи машғулот олиб бораётган фаннинг назарий масалалари қобиғида қолиб кетмаслиги, аксинча, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонун ва қонун ости ҳужжатларига таяниб ўзида касбий компетентлик сифатлари ва педагогик маҳорат элементларини шакллантириши, креативлик потенциалига эга бўлиши, инновацион технологияларни кўр-кўрона қабул қилмасдан, миллий ўзига хосликка эга бўлган таълим технологиялари ижодкорига айланиши ва уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ эта олиш каби сифатларни ўзида мужассам қилишини тақозо қилмоқда.

Умумий ўрта таълимда адабиёт фанини ўргатиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этмоқда. Адабиётимизга эътиборнинг келажагимизга пойдевор эканлигини Президентимиз Ш.Мирзиёев ҳам алоҳида таъкидлайди: “... адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор эканини, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ” [1].

Шоир ва ёзувчиларимиз ҳаёти билан биргаликда улар яратган асарларни ўқувчилар онгига сингдиришда илғор педагогик технологиялардан фойдаланиш адабий таълимдан кўзланган мақсадни амалга оширишда ўз самарасини беради.

Вафо ва садоқат куйчиси шоира Зулфия ҳаёти ва ижодини инновацион технологиялар асосида ўргатиш ўқувчида лирик асарларга бўлган қизиқишни ривожлантириб, бадиий дидни оширади, хусусий компетентлиликни ҳосил қилади. Адабиёт 6-синф дарслигида икки соат ўқитишга мўлжалланган, Зулфия

ҳаётига доир маълумотлар ва “Боғлар қийғос гулда”, “Баҳор келди сени сўроқлаб”, “Ўғлим, сира бўлмайди уруш” шеърлари берилган [2;83].

Замонавий технологик воситалардан “Идрок харитаси” Зулфия ҳаёти ва ижодига доир маълумотларни тизимга солиш, хотирада сақлаш ва осон ўргатиш усулларидан ҳисобланади. Идрок харитаси ўз вақтини режалаштириш, катта миқдордаги маълумотларни эсда сақлаш, ақлий ҳужумларни ўтказиш, ўз-ўзини таҳлил қилиш, мустақил таълимни шакллантиришда самарали восита бўлиб хизмат қилади. Идрок хариталарини дарсларда қўллашга доир дастлабки тажрибалар Тони Бюзен томонидан амалга оширилган. Идрок хариталари ахборотни катта қоғоз варақдаги график кўринишидир. Харита тушунчалар, кўриб чиқилаётган соҳа қисмлари ва хоссалари ўртасидаги (мазмуний, сабаб ва ҳодиса, ассоциатив ва ҳоказо) алоқаларни акс эттиради. “Одам мияси нейронлардан иборат бўлиб, бир-бири билан дендрит ўсимталари орқали туташган. Ҳар хил образлар ҳар хил гуруҳдаги нейронлар ва улар орасидаги алоқаларни рағбатлантиради. Идрок харитасини фикрларимизнинг мураккаб ва дабдабали ўзаро муносабатлари сурати сифатида тасаввур қилиш мумкин ва бу бизнинг миямизга объект ва ҳодисаларни тартиблаштириш ва деталлаштириш имконини беради” [6;16].

Зулфия ҳаёти ва ижодини “Идрок харитаси”да акс эттирамиз. (1-жадвал)

***Шоиранинг дил сўзлари*:** "– Мен яхши оилада ўсдим. Ота-онамнинг беш ўғил, икки қизи бор эди. Лекин жуда тез камайиб кетдик. Мен отам билан онамни энг бахтиёр онларда эмас, ўша – оиламиз аъзолари камайиб бораётганда англаб, қадрлайдиган бўлдим. Бу йўқотишлар 1925-26 йиллардан бошланди. Бир акам Москвага ўқишга бориб, оғир касал бўлиб қайтди, ҳеч қанча вақт ўтмай вафот этди. Бувиниса опам тўйи арафасида бехос ҳаётдан кўз юмди. Яна бир акам фожиали тасодиф туфайли... Нормат акам эса 1937-йили "халқ душмани" деб ҳибсга олинди ва қатағон қурбони бўлди. Кетма-кет келган бу оғир синовларда ота-онам ўзларини йўқотмадилар. Ҳеч қачон ҳеч кимни қарғамадилар, қолганларнинг шукрини қилиб: "Худо берганини берди, Ўзи берганини Ўзи олди. Биз бандаларнинг қўлидан ҳеч иш келмайди", деб қаноат

қилардилар. Қайғунинг ичида қолган онажоним кечалари бизга китоб ўқиб берардилар, шу билан бир оз юпанч топгандек бўлардилар. Лекин тонг отганда ўзларини қўярга жой тополмай қолардилар. Ҳамон онамни соғинавераман, англадимки, энг яхши туйғуларнинг ҳаммаси онамнинг юракларида жам бўлган экан...”

“Отамдай қудратли одам йўқ эди мен учун. Темирлар отам қўлида чақмоқлар таратишига боқиб, ҳайратда қолар эдим. Унинг неча марта чўян учқунлари из қолдириб кетган қўллари лаққа чўққа айланган темир парчасини истаган шаклга солиб, инсон учун керакли, жуда зарур нарсага айлантиришга қодир эди. Отам учун ишнинг катта-кичиги йўқ эди. Қудратли олтин қўллар ва сахий қалбга эга эди у. Мен ҳали-ҳанузгача отамдай бўлишни орзу қиламан...” [4;10]

Замондошлар эътирофи. *Миртемир:* “Ҳамид Олимжон оловли ва кутилмаган бир фожиа туфайли гўё ёниб кетди-ю, Зулфияхоним ҳам ўша оташда баробар ёнди. Ҳануз ёнмоқда... ўша ишқ, ўша суқ, ўша вафо Зулфияхоним шеъриятининг ўзак мотивларидан бўлиб қолди… Икки ирмоқдан бир жилға бўлиб оқмоқда эди, бири гўё тиниб қолди-ю, ўзга бири ҳамон оқмоқда, ўша жилға, ўша оқим, ўша мавж ўша тўлқин! Зулфияхоним бу жилғада Ҳамид Олимжон учун ҳам оқмоқда. Унинг йўқлигини билдириш хаёлида ҳам йўқ, тўлиб-тошиб оқмоқда” [3;11].

Чингиз Айтматов: “Шоира поэзиясидаги дилбарлик, донолик бу улкан маданиятнинг қўлга киритган улкан ютуғи эканлигини таъкидлайман. Зулфия фақат ўз шеърларида гавдаланган тўла-тўкис аёл тимсолигина эмас, балки у мукаммал шахс ҳамдир”[3;86].

“Синквейн” технологияси асосида Зулфия ижодини ўрганиш самарали натижа беради. Бу технологияни қўллашда иккита натижага эришилади. Биринчидан, ўқувчилар шоира шеърларини синчковлик билан ўқишга, ёдлашга, ўрганишга рағбатлантиради, уларнинг шеъриятга бўлган қизиқишини оширади. Иккинчидан, ўқувчиларнинг сўз билан ишлаш қобилиятини оширади.

Синквейн беш қатордан иборат бўлади. Биринчи қаторда мавзу (калит сўз) берилади. Иккинчи қаторда унга бир ёки иккита аниқловчи танланади. Учинчи қатор ҳаракат-ҳолат феъли билан тўлдирилади. Тўртинчи қаторда сўз ёйиқ гапга айлантирилади. Бешинчи қаторда калит сўзнинг маънодоши келтирилади.

(2 жадвал)



(3 жадвал)

(4 жадвал)



“Икки қисмли кундалик” методи Зулфия шеърларини ўрганишда самарали усуллардан бири бўлиб, ўқувчиларни шеърнинг мазмунини англаш, таҳлил қилиш ва эркин фикрни баён қилишга ўргатади. Ўқувчиларга матн мазмунини ўз шахсий тажрибаси билан чамбарчас боғлаш, ўзининг табиий қизиқувчанлигини қондириш имконини беради. Икки қисмли кундалик учун ўқувчилар ёзилмаган қоғознинг ўртасидан тик чизиқ ўтказиб, уни иккига ажратишлари керак. Қоғознинг чап томонига матннинг қайси қисми уларга энг кўп таассурот қолдирганини қайд этишади. Ўнг томонида улар шарҳ беришлари керак: айни шу жумлани ёзишга уларга нима туртки бўлди? Матнни ўқиркан, ўқувчилар вақти-вақти билан тўхташлари ва ўзларининг қўшалоқ кундаликларида шундай белгилар қўйиб боришлари керак. “Икки қисмли кундалик” методи асосида Зулфиянинг “Боғлар қийғос гулда” (5-жадвал), “Баҳор келди сени сўроқлаб” (6-жадвал), “Ўғлим, сира бўлмайди уруш ” (7-жадвал) шеърларини ўрганиш ўз самарасини беради.

(5 жадвал)

Бир кафт боғ меҳнат-у ҳосилга Ватан, Ўзга кўрк, ўзга ранг ҳар бир дарахтда.	*Шоира рамзий маънода тасвирлаган “бир кафт боғ”, яъни яхлит бир манзил – Ватанда турлича тароват, турлича бўй таратувчи дарахтлар бор. Уларнинг ҳар бири ўзича кўрк, ўзига хос мева-ю ҳосил беради.*

Ҳар навда бир гулда, ҳар гулда бир рўй, Ҳар дарахт барги бир дунё ҳикоя.	*Гўё ҳар бир дарахт бир-бирига ўхшамайдиган миллат ва элатдир. Уларнинг ҳар бирининг ўз тарихи, ўз урф-одатлари, ўз яшаш тарзи бор. Лекин улар битта боғда – бир масканда, яъни бир Ватанда – Ўзбекистонда жам бўлган.*
Бу – қадим дунёда янги бир олам, Бунда орқа тоғсиз бир тирик жон йўқ	*Кичик халқ –элатлар ҳам, катта халқ ва миллатларга суянади. Ўзбекистон мисолида ўша халқ, ўша суянч, ўша таянч бу – ўзбек халқидир. Ўзбекистонда яшовчи барча инсонлар – бир халқ, Ўзбекистон фуқароси.*

(6 жадвал)

Салқин саҳарларда, бодом гулида, Бинафша лабида, ерларда баҳор.	*Бахт ва баҳор куйланган шеърда баҳор элчилари бодом ва бинафшанинг тилга олиниши бежизга эмас, чунки баҳор нафаси кеза бошлаши билан биринчи бодом гуллайди, бинафшалар бўй кўрсатади .*
Қанча севар эдинг, бағрим, баҳорни, Ўрик гулларининг эдинг мафтуни.	*Ҳамид Олимжоннинг "Ўрик гуллаганда" шеъри назарда тутилган бўлиб, шоирнинг баҳор шайдоси эканлиги ва ёр ҳижрони акс этган.*
Тунлар тушимдасан, кундуз ёдимда, Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам.	*Шеър муҳаббат ва садоқат ҳақида битилган бўлиб, шоира бу туйғуни Ҳамид Олимжон сиймосида акс эттиради.*

(7 жадвал)

Уруш, номинг ўчсин жаҳонда, Ҳамон битмас сен слоган алам.	*Уруш келтирган азоб ва аламлар, тасвирланган. Қанча фарзандлар отасидан айрилди.*

Мана, юртга ўғил ўстирган, Бир давлатманд бой бўлиб қолдим.	*Шоира фарзандларини ҳам ота, ҳам она ўрнида ўзи тарбиялаётганини акс эттиради. Энди ёнида қоя каби таянчи, суянчи ўғли борлигидан ғурур туйғуси тасвирланади.*
Она қалби оёққа турса, Ўғлим сира бўлмайди уруш.	*Она фарзандини ҳаёт учун, ҳаётини давом эттириш учун дунёга келтирди. Эзгу мақсад йўлида дунё оналарини ҳар қандай урушга қарши курашга, бирлашишга чорлайди.*

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. 2017. 4-январ.
2. Аҳмедов С., Қўчқоров Р., Ризаев Ш. 6-синф Адабиёт. – Тошкент, Маънавият. 2017.
3. Зулфия замондошлари хотирасида. Тўплам. Нашрга тўпловчилар: Олимжонова Р., Усмонова М. – Тошкент, Академнашр. 2015.
4. Улуғова М. Муҳаббат саройида қолганлар. – Тошкент. “Ниҳол”, 2010.
5. Тони Бьюзен. Суперпамять. –Минск. Попурри. 2008.